

THE SUBJECT OF MATHEMATICS PURPOSE AND CONTENT

Abdimumin Abdirahmonov

Karshi State University

senior teacher

Temirov Sherali Urol oglu

Karshi State University

Ўteacher

Annotation. This article discusses the subject, purpose and content of mathematics teaching methods.

Keywords: mathematics, methodology, design, method.

МАТЕМАТИКА ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИННИГ ПРЕДМЕТИ, МАҚСАДИ ВА МАЗМУНИ

Абдимумин Абдирахмонов

Қарши давлат университети
катта ўқитувчи

Темиров Шерали Урол ўғли

Қарши давлат университети
Ўқитувчи

Аннотация. Ушбу мақолада математика ўқитиш методикасининг предмети, мақсади ва мазмуни хақида сўз юритилган.

Калит сўзлар: математика, методика, лойиҳалаштириш, метод.

Маълумки, кишилик жамиятининг ривожини ўсиб келаётган авлодга жамият ўзининг ривожланиш жараёнида тўплаган билим, қўникма, малака, тажрибаларини беришини турли фан асослари орқали амалга оширилишини тассавур қилиш бу ҳақиқатга яқинроқдир. Шунинг учун ҳам математикани ўқитиш жараёнида бу амалга оширилади. Шу туфайли математика методикасининг предмети – бу ўқувчилар, талабаларнинг турли хил ёш гурухларига қараб математиканинг қонун ва қоидаларини ўқитиш ва ўргатишдан иборат бўлса, асосий мақсади эса – шу қўйилган мақсад асосида ўқув материалининг мазмунини талаб даражасида жойлаштириш; уни ўқувчи ёки талабага етказишда рационал ўқитиш, ўргатиш, дарс бериш методларини ишлаб чиқиши, юқори сифатли ўқитиш, ўргатиш технологияларини лойиҳалаштириш ва ундан самарали фойдаланиш; ўқув воситаларини тўғри танлаш ва улардан унумли фойдаланиш каби бир нечта мақсадчалар асосида амалга оширилади. Математика ўқитиш методикаси асосан қўйидаги саволларга – математикани нимага ўқитиш керак? Нимани ўқитиш керак? Кандай ўқитиш керак? – деган саволларга жавоб беришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Бу саволларга бутун курс давомида жавоб беришга харакат қилиши бирга ўзининг мазмунини ҳам бойитиб боради.

Хозирги замон дидактикасида, жумладан, математика ўқитиш методикаси фанида таълим методининг муаммолари умумий ҳолда ҳал қилинган бўлиб, у ўзининг қўйидаги икки томони билан характерланади:

- а) ўқитиш (ўқитувчининг фаолияти);
- б) ўрганиш (ўқувчиларнинг онгли билиш фаолияти).

Таълим жараёни ўқитиши ва ўрганишдан иборат бўладиган бўлса, у холда ўқитиши (ўкувчиларнинг билиш фаолиятларини бошқариш ва текширишга доир ахборот турлари, усул ва воситалар) ўзининг қуидаги методлари орқали амалга оширилади. Ўқитиши ва ўрганиш методлари ўзаро бир-бири билан узвий алоқадорликда бўлиб, мактабда ўқитиши жараёнини амалга оширади. Мактаб математика курсидаги таълим методларини қуидагича классификациялаш мумкин.

Илмий изланиш методлари (кузатиш, тажриба, таққослаш, анализ синтез, умумлаштириш, абстракциялаш, конкретлаштириш ва классификациялаш)

Ўқитиши методлари (эвристик метод, программалаштирилган таълим методи, проблемали таълим методи, маъруза ва сухбат методлари).

Математика ўқитишини ташкил этишда қуидаги турларга ажратиш мумкин янги ўқув материалини ўрганиш дарси: маъруза дарси сухбат дарси, ўқув материалини мустақил ўрганиш дарси ва аралаш дарс. Билим, кўникма ва малакани такомиллаштириш дарси: амалий дарс, семинар дарси, экскурсия дарси, лабаратория дарси, умумлаштириш ва системалаш дарси. Билимни назорат қилиш дарси: оғзаки сузлаш, ёзма иш ўtkазиш дарси, аралаш дарс. Бу дарслар асосан ўкувчиларнинг билимини кўтаришга асос бўлади.

Математикани ўқитишида ҳар хил технологиялардан хам фойдаланишга тўғри келади. Технос-хунар, логос-фан деган маънони англатиши бевосита технологияни хунар фани мазмунини англатишини биламиз. Техникада технология деб маълум вақт бирлиги ичida меҳнат қуроллари ёрдамида меҳнат воситаларидан фойдаланиб маҳсулотни яратилишига айтилади. Педагогик технология – бу ўқитиши воситалари ёрдамида ўкувчи шахс сифатларини ўзгартириш ёки ривожлантиришга айтилиши жуда кўп хорижий адабиётларда келтирилган. Лекин шу ўқитишида ва ўргатиши воситаларини ҳар доим хам топилиши ва керакли ўринда фойдаланиши шу ўқитиши ва ўргатиши технологияларини лойихалаштирилиши ва уни самарали ишлашини таъминланиши ҳар доим хам унумли бажарилиши амалга ошириш қийинdir. Шунинг учун хам ўқитувчи ҳар бир лойихалаштирилаётган технологияни педагогик инженерия нуктаи назаридан пухта тузган бўлиши ва методик, дидактик талабларга тўлиқ жавоб бериши ҳар доим талаб қилинади.

Хулоса чиқариш методлари (индукция, дедукция ва аналогия).

Шунинг учун математика ўқитиши методикаси предметининг мазмунини асосан назарий масалалар (умумий методика) ҳам хусусий методикадан иборат бўлиб бунда асосан ўқитиши, ўргатиши дарс беришни турли хил кўринишлари, методлари, технологиялари ҳақида фикрлар қўйиладики бу фикрлар ўзининг структураси жихатидан мураккаб бўлиб унда асосан педагогик, психологик ва философик қонун қоидалар математиканинг қонун қоидаларини ўкувчилар онгига етказишига ёрдам берувчи восита сифатида қатнашади. Шунинг учун ҳам бир математик фикрни ўкувчилар онгига етказиши учун философияни “билиш” назариясининг асосий қонун ва қоидалари, психологияни асосий категориялари ҳамда педагогикани асосий дидактик принциплари биргаликда математикани ўқитиши асосий руқунларини юзага келишига сабабчи бўлиб булар ёрдамида математика ўқитиши методикасининг қонуниятлари юзага келишини бутун курс давомида кузатиш мумкин.

Адабиётлар

1. С.Алихонов Математика ўқитиши методикаси Тошкент -2011 й
2. Ю.М.Колягин. Математика преподавания математики в средней коле. общ. Методика. М.просвещение 1976 г
3. Т.Тологанов, А.Норматов, Математикадан практикум. Тошкент -1989.
4. Urakovna, O. N. (2022). MODELING MATHEMATICAL COMPETENCE BACHELOR-FUTURE MATHEMATICS TEACHER. *Academica Globe: InderScience Research*, 3(02), 197-203.
5. Abdiraxmonov, A., & Khurramov, O. (2022). FORMING THE PROFESSIONAL SKILLS OF UNDERGRADUATE MATHEMATICIANS. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 3(02), 920-925.

6. Окбоева, Н. (2018). УРАВНЕНИЕ ЛАПЛАСА И ГАРМОНИЧЕСКИЕ ФУНКЦИИ. In *Фундаментальные научные исследования* (pp. 63-66).
7. Бабажанов, Ю., Окбаева, Н., & Бабажанова, И. (2019). МЕТОД ОПРЕДЕЛЕНИЯ КОЭФФИЦИЕНТА ЭФФЕКТИВНОСТИ ГАЗОПРОВОДА. In *Актуальные проблемы математики и информатики: теория, методика, практика* (pp. 58-59).
8. Окбоева, Н. У., & Тухтаев, Э. Э. (2019). О применении матричного анализа к решению экономических задач воспроизводства. In *Информационные технологии и математическое моделирование (ИТММ-2019)* (pp. 301-304).
9. Okbayeva, N. (2021). INNOVATIVE APPROACH TO SOLVING COMBINATIC ELEMENTS AND SOME PROBLEMS OF NEWTON BINOMY IN SCHOOL MATHEMATICS COURSE. *Central Asian Problems of Modern Science and Education*, 2021(1), 67-76.
10. Окбоева, Н. У. (2019). О решении уравнений температурно-стратифицированных течений рекуррентно операторным методом. In *Информационные технологии и математическое моделирование (ИТММ-2019)* (pp. 295-300).
11. Abdiraxmanov, A. (2021). Ways of formation of the professional skills of undergraduate mathematicians. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(5), 1202-1208.
12. Abdiraxmanov, A. (2022). The educational purpose of teaching mathematics. Karshi - Journal of Pedagogical Inventions and Practices, 2022